



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИШТИРОКИНИНГ ШАКЛЛАРИ ТАСНИФИ

Юлдашев Маркс Ойбек ўғли

Хоразм вилояти ИИБ Ташкилий бошқарма Таҳлил ва назорат
бўлими катта инспектори, капитан.
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7869702>

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2023

Accepted: 26th April 2023

Online: 27th April 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки ҳамда бу борада уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан биридир. Бу жараён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти турли аъзолари, қолаверса уларга тааллуқли бўлмаган, бироқ жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этишни хоҳловчилар билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади.

Бунда бир томондан, фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш юзасидан ташаббус кўрсатадилар, бошқа томондан эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мазкур ташаббусни амалга ошириш имкониятини яратиб беради. Ва ниҳоят, давлат кўрсатилган ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди.

Бинобарин, жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни бу борадаги зарур ахборотлар билан таъминлаш билан бир қаторда, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва қонунбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг масъулиятини ошириш ҳамда аҳоли орасида ички иммунитетни кучайтиришга хизмат қилади¹.

Бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштироки билан боғлиқ масалалар серқирра ва кенг кўламли бўлиб, уни битта илмий тадқиқот доирасида тадқиқ этиш мураккаб. Шу сабабли ҳам, мазкур мақолада сўз бораётган масаланинг ажралмас бўлаги бўлган жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокининг шакллари ва уларнинг таснифи масаласига эътибор қаратамиз.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда уни амалга оширувчи субъектлар, хусусан ички ишлар органлари ва миллий гвардиянинг фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлигини йўлга қўймасдан туриб, табиийки, бу борада самарага эришиб бўлмайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

¹Зиядуллаев М.З. Зарубежный опыт системы охраны общественного порядка и профилактики правонарушений в населенных пунктах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – Москва, 2017. – № 2. – С.46–47.



121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилган. Қолаверса Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири бўлган очиқлик ва шаффофлик принципида “ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади”, деб кўрсатилган².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши белгиланган³.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясининг 5-бандида – жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши ва 6-бандида – бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга кириши ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган⁴.

Шу ўринда бу борада эътибор берилиши лозим бўлган бир жиҳат, муҳим объектив мезон борки, у ҳам бўлса – фуқароларнинг ёки жамоатчиликнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокининг ихтиёрийлиги, шунингдек ташаббус кўрсатилиши ва қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида фуқаролар ёки жамоатчилик тузилмаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатишга мафқуравий ёки бошқа тарзда мажбурлаш бундай объектив мезонни йўқ қилади.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига доир яратилган ҳуқуқий, ташкилий, услубий, рағбатлантирувчи ва бошқа асосларнинг бу борадаги амалдаги ҳолат, ҳақиқий амалиёт билан нисбати сўз бораётган мезоннинг ҳаёлийлиги, расмиятчилиги ёки аксинча, объективлиги, амалда қўллаб-қувватланаётганлигини яққол кўрсатади.

²Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

³Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Т., – 2020. – № 03/20/647/1569.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Т., – 2021. – № 06/21/27/1116.



Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши уларнинг ушбу соҳадаги муаммолардан йироқда эмаслиги, буни тушуниши, жамиятда қонунийлик ва адолатга эришиш учун ҳар бир шахс ҳеч бўлмаганда давлатни унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тимсолида қўллаб-қувватлаши, унга ёрдам бериши кераклигини англаб етишида ўз аксини топади. Фуқароларнинг бу борадаги қўллаб-қувватлашидан холи бўлган, шунчаки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролар ўртасидаги функционал алоқа ёпиқ ва жамият учун кам аҳамиятли восита ҳисобланади⁵.

Россия Федерацияда 2014 йил 2 апрелда “Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида”ги федерал қонун қабул қилинган бўлиб, унда фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокига “фуқаролар томонидан ички ишлар органлари (полиция) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, жамият ва давлат мулки, манфаатларини жамоат жойларида содир этиладиган жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиши”, дея ҳуқуқий таъриф берилган ҳамда фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокининг қуйидаги асосий принциплари белгилаб берилган:

- ихтиёрийлик принципи;
- қонунийлик принципи;
- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг устуворлиги принципи;
- ҳар кимнинг қонун билан тақиқланмаган шаклларда ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги принципи;
- ички ишлар органлари (полиция), бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик принципи;
- ички ишлар органлари (полиция), бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини алмаштиришга йўл қўйилмаслиги принципи.

Мазкур Федерал қонуннинг II бобида фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокининг қуйидаги шакллари келтирилган:

- 1) ички ишлар (полиция) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш;
- 2) бедарак йўқолганларни қидиришда иштирок этиш;
- 3) полиция билан мустақил ҳамкорлик;
- 4) ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат бирлашмаларининг фаолиятида иштирок этиш⁶.

Сўз бораётган Қонундан ташқари, Россия Федерациясида жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар иштирокини самарали таъминлашга доир 500дан ортиқ

⁵Майорова С.А. “Формы участия граждан в охране общественного порядка и обеспечении общественной безопасности” // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2015, – № 4 (34), – С. 116.

⁶Собрание законодательства Российской Федерации. – 2014. – № 14. – С. 1536.



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган⁷. Улар асосида бугунги кунда полицияга қўмаклашаётган жамоатчилик тузилмаларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: а) жамоат хавфсизлигини таъминлашда бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоатчилик тузилмалари – тартибни сақлаш таянч пунктлари, кўнгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти; б) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоатчилик тузилмалари – комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар; в) яшаш жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тарзида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари – мавзелар қўмиталари, ота-оналар қўмиталари, жамоатчи тарбиячилар; г) муайян масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари – маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар⁸.

Мамлакатимизда бевосита фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун мавжуд эмас. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни билан ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатлар бироз кенгроқ бўлса-да, ҳуқуқий тартибга солинган.

Мазкур Қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари сифатида: қонунга бўйсуниб, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик ва шаффоқлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги кўрсатилган бўлиб, ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қуйидагилар кириши белгиланган:

- нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш⁹.

⁷Ильин П.О. Особенности деятельности народных дружин из числа реестровых казачьих обществ, привлекаемых органами внутренних дел МВД России к охране общественного порядка // [Эл. манба]. – URL: <http://cyberleninka.ru/article> (мур. вақти: 27.03.2016).

⁸Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И. К вопросу привлечения общественным объединений к охраны общественного порядка // Российский следователь. – 2006. – № 10. – С. 39.

⁹Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., – 2014. – № 39, – 488-модда.



Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий шериклик моҳиятига кўра фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига нисбатан кенг тушунча бўлиб, муайян даражада уни ўз ичига қамраб олади. Бироқ, келгусида Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Бевосита фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокининг шакллари ҳақида сўз борганда уни турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин.

Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлашда *иштирок этувчи фуқароларнинг сонига қараб*, жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг якка тартибдаги иштироки ва жамоавий иштирокига ажратиш мумкин. Фуқароларнинг якка тартибдаги иштироки жамоат хавфсизлигини таъминлашда алоҳида бир фуқаронинг иштирок этишини назарда тутиб, фуқароларда ватанпарварлик, фуқаролик бурчи, ижтимоий масъулият, қонунга ҳурмат ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасизлик фазилатларини қарор топтириш ва мустақамлаш жамиятда муҳим масала эканлигини ҳисобга олган ҳолда давлат фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги бундай иштирокини фаол рағбатлантиради.

Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сон қарори қабул қилинган. Қарор билан тасдиқланган Низомда фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш асослари, турлари ва тартиби аниқ кўрсатиб берилган ҳамда бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади¹⁰.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки турли даражада, хусусан идоравий ва жамоатчилик мукофотлари, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар, ташаккурнома эълон қилиш йўли билан рағбатлантирилиши мумкин. Қолаверса, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқаролар мамлакат мустақиллигини мустақамлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шу жумладан жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаол иштироки ва қўшган ҳиссаси, хизматлари учун давлат мукофотлари билан ҳам тақдирланиши мумкин.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги *якка тартибдаги иштироки* муайян ишни амалга ошириш, шартнома (буюртма) асосида хизмат кўрсатиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят, ҳуқуқбузарлик ва жамоатчиликка таҳдид солувчи бошқа тажовузлар тўғрисида маълумот (ахборот) бериш каби шаклларда бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокининг *жамоавий шакли* турли жамоатчилик тузилмалари, хусусан “Маҳалла посбони” жамоатчилик

¹⁰Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – Б. 127.



тузилмалари, “Фидокор ёшлар” патруль гуруҳлари таркибида фаолият юритиш кўринишида намоён бўлади.

Шунингдек, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокининг жамоавий шакли: фуқароларни ва жамоат бирлашмаларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга жалб қилиш; уларни жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир концепциялар, дастурлар, ташаббусларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқишга жалб этиш; бу борадаги қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш; жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид муҳим масала ва муаммоларни оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш; жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш кабиларда ҳам ўз аксини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки унинг мазмуни ва ваколатларни бериш хусусиятига қараб, иккига: а) фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳуқуқи; б) фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш мажбуриятига ажратилиши мумкин.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки унинг амалда намоён бўлишига кўра икки кўринишда бўлиши мумкин:

бевосита (ҳақиқий) иштирок этиш – жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бўйича муайян хатти-ҳаракатларни бевосита амалга ошириш;

билвосита иштирок этиш – уларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига, шунингдек мазкур соҳани такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнга воситачи орқали жалб қилиниши.

Фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги билвосита иштирокининг асосий хусусияти шундаки, бунда ташаббус бевосита фуқаролар томонидан эмас, балки муайян давлат органи ёки жамоатчилик тузилмаси томонидан илгари сурилиб, фуқаролар мазкур жараёнда иштирок этадилар. Масалан, юқори турувчи давлат ҳокимияти органларига жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, муайян устувор вазибаларни амалга ошириш бўйича мурожаат (муурожаатнома) билан чиқишда фуқароларнинг иштирок этиши шулар жумласидан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокининг шакллари хилма-хил бўлиб, мамлакатимиздаги замонавий демократик жараёнларнинг юқори даражада эканлиги ўрганилаётган соҳада фуқаролар иштирокининг шакллари турли мезонлар асосида таснифлаш имкониятини бермоқда;

иккинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда яратилган қонунчилик базасида фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки ва унинг муайян шаклларининг ҳуқуқий асосларини шакллантирилган бўлиб, келгусида илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бевосита фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини тартибга солувчи



қонунни қабул қилиш мазкур соҳани ҳуқуқий таъминлашни янада такомиллаштиришга хизмат қилади;

учинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокини: *иштирок этувчи фуқароларнинг сонига кўра*: якка тартибда ва жамоавий иштирок этишга; *ушбу жараёндаги иштирокнинг мазмуни ва ваколатларни бериш хусусиятига кўра*: иштирок этиш ҳуқуқи ва иштирок этиш мажбуриятига; *амалда намоён бўлишига кўра*: бевосита (ҳақиқий) иштирок этиш ва билвосита иштирок этишга ажратиш мумкин;

тўртинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокини муайян мезонлар асосида таснифлаган ҳолда тадқиқ этиш уни назарий ва амалий жиҳатдан тизимли ўрганиш, бу борадаги амалдаги ҳолатни тўлиқ мониторинг қилиш ҳамда самарали ташкил этиш, қолаверса жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокини такомиллаштириш истиқболларини белгилаб олиш имконини беради.

References: